

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НУРЖАНОВ ФУРҚАТБЕК РЕЙИМБЕРГАНОВИЧ**

**ШАХС ЮЗИ ТАСВИРИГА КЎРА ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШНИНГ**  
**МАТЕМАТИК ВА ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИ**

05.01.04 - Ҳисоблаш машиналари мажмуалари ва компьютер тармоқларининг математик  
ва дастурий таъминоти

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD) по  
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
technical sciences**

**Нуржанов Фуркатбек Рейимберганович**

Шахс юзи тасвирига кўра идентификациялашнинг математик

ва дастурий таъминоти..... 3

**Нуржанов Фуркатбек Рейимберганович**

Математическое и программное обеспечение идентификации личности по  
изображению лица.....21

**Nurjanov Furqatbek Reyimberganovich**

Mathematical and program software of image identification of human  
face.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published work.....43

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НУРЖАНОВ ФУРҚАТБЕК РЕЙИМБЕРГАНОВИЧ**

**ШАХС ЮЗИ ТАСВИРИГА КЎРА ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШНИНГ**  
**МАТЕМАТИК ВА ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИ**

05.01.04 - Ҳисоблаш машиналари мажмуалари ва компьютер тармоқларининг математик  
ва дастурий таъминоти

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Т445 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгашининг веб-саҳифаси (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълми порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Зайнидинов Хакимжон Насиридинович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Мўминов Баходир Болтаевич**  
техника фанлари доктори, доцент

**Рахимов Бахтиёр Саидович**  
техника фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:** **«UNICON.UZ» фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй.Тел.:(99871)238-64-43, факс: (99871)238-65-52, e-mail:tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй.Тел.:(99871)238-65-44.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Р.Х.Хамдамов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Ф.М.Нуралиев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

**Б.Б.Мўминов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тасвирларга ишлов бериш, қайта ишлаш, юз тасвири асосида шахсни таниб олиш ва идентификациялаш тизимларининг масалаларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқиш ҳамда биометрик технологияларни ривожлантириш жараёнида янада мураккаб объектларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада биометрик технологиялар асосида шахсни таниб олиш ва идентификациялаш тизимларига бўлган талаблар кескин ортиб бормоқда, жумладан, аэропортлар ва метрополитенлардаги назорат, бирор бинога ёки дастурга кириш, видеокузатувлар, криминалистика ҳамда бошқа бир қатор соҳаларда кенг қўлланилиб келинмоқда. Бугунги кунда бу соҳа йўналиши бўйича кўпгина хорижий мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Германия, Россия Федерацияси, Хитой, Япония, Англия, Жанубий Корея ва бошқа давлатлардасвирларга ишлов бериш, тасвирдаги белгиларни ажратиш ва машинали ўқитиш моделларидан фойдаланиб, шахсни идентификациялаш тизимларини ишлаб чиқишнинг назарий ва амалий масалаларини ечиш катта аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда тасвирларга ишлов бериш, тасвирдаги объект белгиларини ажратиш ва ушбу объектни идентификациялашнинг усул ва алгоритмларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқиш ҳамда статик тасвирлар асосида шахсни идентификациялашнинг математик ва дастурий таъминотларини яратишга доир кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада шахс юз тасвирида ҳам ўзига хос мураккаб элементлар мавжудлиги инобатга олиниб, жумладан, берилган тасвирга дастлабки ишлов бериш, тасвирдан объект соҳасини аниқлаш, тасвирдаги идентификацион белгиларни ажратиш, пикселлар интенсивлиги бўйича таққослаш ва шахсни идентификациялаш жараёнини компьютер муҳитида ишлаш самарадорлигини ошириш кўрсаткичларини таъминловчи дастурий таъминотларини яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда мазкур йўналишда шахснинг биометрик технологиялари асосида (юз, қулоқ чаноғи, бармоқ излари, кўз корачиғи, кафт, юриш услуби, овоз товуши) шахсни идентификациялашнинг автоматлаштирилган тизимларини яратиш ва амалиётга кенг татбиқ этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жумладан «...иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, «...ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қарши ҳаракатларни ташкил этиш»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Мазкур

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

вазифаларни амалга оширишда, ташкилотларда ва ёпиқ хуудларга шахсларни кириш тизимларини назорат қилиш жараёнида шахсни идентификациялашнинг математик алгоритмлари асосида дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ҳамда шахсни таниб олиш учун сарфланадиган вақтни камайтириш, аниқлигини оширишнинг тезкор автоматлаштирилган тизимларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқиш ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ва Вазирлар маҳкамасинининг 2018 йил 7 майдаги 343-сон ««Хавфсиз шаҳар» лойиҳасини амалга ошириш бўйича босқичма-босқич чора тадбирлари ва ягона технологик ёндашувни ташкил қилиш тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнги йилларда тасвирларга ишлов бериш, тасвирдаги белгиларини ажратиш ва шахсни идентификациялаш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш масалалари ҳамда уларнинг амалий қўлланилиши Р.Гонсалес, Ю.И.Журавлёв, Э.Патрик, У.Прэтт, В.А. Софер, Ш.Ульман, Я.А. Фурман, В.А.Фурсов, Э.В.Попова, В.Н.Вапник, Г.С.Поспелов, В.Бургер, М.И.Салех, Б.Хорн, П.Харт, М.И.Шлезингер, В.М. Глушков ва бошқаларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда таниб олиш ва тасвирларга ишлов бериш назарий-амалий асосларини ривожлантиришга М.М.Камилов, Ш.Х.Фозилов, Х.Н. Зайнидинов, Р.Т. Абдукаримов, З.Т.Адилова, Ф.Т.Адилова, А.Х.Нишанов, С.С.Содиқов, Н.С. Маматов, С.С. Раджабов, Ш.Е.Туляганов, Н.А.Игнатъев, Р.А.Лутфуллаев, Н.М.Мирзаев ва бошқаларнинг илмий ишлари эътирофга сазовордир.

Ҳозирги кунда шахсни идентификациялашнинг илмий йўналишларидан бири биометрик технологиялар соҳасида олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, шахсни идентификациялашнинг автоматлаштирилган тизимларини яратишда вужудга келадиган муаммолар ҳозирги кунгача етарли даражада ўрганилмаган. Шунингдек, юз тасвири асосида шахсни идентификациялашнинг автоматлаштирилган тизимларини такомиллаш-

тириш ва ишлаб чиқиш ҳамда реал вақт тизимида тезлигини ва аниқлигини оширишнинг усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда дастурий таъминотини яратиш асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг № БВ-Атех-2018-249–«Биометрик сигналларга рақамли ишлов бериш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш» (2018-2019) мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** юз тасвири асосида шахсни идентификациялашнинг математик моделлари, алгоритмлари ва дастурий таъминотини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

шахс юз тасвирига дастлабки ишлов бериш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

тасвирдан шахснинг юз тасвири жойлашган соҳани топиш алгоритми ва махсус кутубхонасини ишлаб чиқиш;

шахснинг юз тасвири белгилар фазосини шакллантириш ва информатив белгилар мажмуасини аниқлаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

шахс юз тасвирини характерловчи информатив белгилар асосида шахсни таниб олиш алгоритмларини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида шахснинг юз тасвири, тасвирларга ишлов бериш асосида шахсни таниб олиш ва идентификациялаш жараёнлари қаралган.

**Тадқиқотнинг предмети** шахснинг юз тасвирига ишлов бериш, маълумотлар базасидан қидириш, таниб олиш усул ва алгоритмлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, дискрет математика, тасвирларга ишлов бериш ва юзларни идентификациялаш усуллари ва объектга йўналтирилган дастурлаш тилларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

шахснинг юз тасвири сифатини аниқлашда тасвирда нотекис тақсимланган ёруғликларини нормаллаштириш асосида дастлабки ишлов бериш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

пикселлар хусусиятларини инобатга олган ҳолда тасвирдан шахснинг юз тасвири жойлашган соҳани топиш алгоритми ва махсус кутубхонаси ишлаб чиқилган;

статик тасвирларда шахснинг юз тасвири белгилар масофаларни тақрибий аниқлаш орқали информатив белгилар мажмуасини ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

шахс юз тасвирини характерловчи мавсумий ўзгарувчи информатив белгилар асосида шахсни таниб олиш алгоритмлари яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кузатув камерасидан олинган тасвирдан юз тасвирини ажратиб олиш, дастлабки ишлов бериш, информатив белгиларни ажратиш, маълумотлар базасида сақлаш ва таниб олишнинг «Face Recognition» дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

шахс юзини идентификациялаш жараёнини жадаллаштириш, сарфланадиган вақтни камайтириш, таниб олиш аниқлигини ошириш ҳамда назорат тизими учун «Face Identification» дастурий таъминоти ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлиги юз тасвири асосида шахсни идентификациялаш бўйича таклиф этилган математик модел ва алгоритмлар амалий масалаларини ҳал қилишдаги реал ва тажрибавий тадқиқотларнинг ижобий солиштириш натижалари билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юз тасвири бўйича шахсни идентификацияловчи биометрик технологияларининг назарий-амалий асосларини истиқболли ривожланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклиф этилган математик модел ва алгоритмлар асосида ишлаб чиқилган дастурий таъминотини ташкилотларга ва ёпиқ хуудларга кириш ва чиқишни назорат қилиш тизимларида қўлланилиши шахсларни идентификациялашнинг замонавий автоматлаштирилган тизимларини лойиҳалашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Юз тасвири асосида шахсни таниб олиш ва идентификациялаш самарадорлигини оширишнинг математик модель ва алгоритмлари ҳамда дастурий таъминоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

юз тасвиридаги белгилар масофаларни тақрибий ҳисоблаш ва статик тасвирда мавсумий ўзгарувчи белгилар асосида шахсни таниб олишнинг «Face Identification» дастурий таъминоти Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академиясининг курсантларни бинога кириш ва чиқишини назоратлаш постига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 8 ноябрдаги 33-8/7941-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида курсантлар ва ходимларни бинога кириш ва чиқишини назоратлаш орқали шахсни таниб олиш ва идентификациялаш тизими 85-90% га аниқлик билан шахсни идентификациялаш имкониятини яратган.

шахс юзидаги белгилари бўйича маълумотлар базасидан кидирилаётган шахсни пикселлар интенсивлиги бўйича таниб олиш ва идентификациялаш асосида ишлаб чиқилган «Face Recognition» дастурий таъминоти «UZTEX SHOVOT» маъсулияти чекланган жамият қўшма корхонасига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 8 ноябрдаги 33-8/7941-сон маълумотномаси). Илмий



тадқиқот натижасида корхонанинг ёпиқ ва очик худудларида ходимларни идентификациялаш орқали назоратлаш ва 75% га аниқлик билан шахсни таниб олиш самарадорлиги оширилди ҳамда шахсни идентификациялашга сарфланадиган вақтни 2 бараварга қисқартириш имконини берган.

шахс юз тасвирига дастлабки ишлов бериш ва тасвирдан юз соҳасини ажратиб олиш асосида ишлаб чиқилган «Face Recognition» ва «Face identification» дастурий таъминоти Фарғона вилояти хокимлиги ҳузуридаги «Ахборот технологияларини ривожлантириш маркази» ДУКга жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 8 ноябрдаги 33-8/7941-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида кузатув камерадан олинган шахс юз тасвирини маълумотлар базасида мавжуд шахсларнинг юз тасвирлари билан солиштириш натижасида шахсни таниб олиш ва идентификациялаш тезлиги 2,5 бараварга оширишга эришилган ҳамда шахсни идентификациялаш тизимига сарфланадиган вақтни 25% га қисқартириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 25 та, жумладан 13 та халқаро, 12 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 12 та мақола, шулардан 2 таси хорижий, 10 таси республика журналларида нашр этилган ҳамда 3 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларини қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг мақсад вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниш ҳолати, нашр этилган ишлар ва олиб борилган тадқиқотлар диссертация ишида аниқ кўрсатилиб берилган.

Диссертациянинг «**Шахс юз тасвирини идентификациялашнинг биометрик технологиялари**» деб номланган биринчи боби, тўртта параграфдан иборат бўлиб, унда шахсни идентификациялаш масаласининг замонавий усуллари қиёсий тадқиқ этилган. Биометрик тизимлар асосида шахсни идентификациялаш тизимларидаги мавжуд муаммолар ва уларни

бартараф этиш йўллари баён этилган. Юз тасвири бўйича шахсни идентификациялашнинг мавжуд усул ва алгоритмларини таҳлил қилиш натижасида диссертация тадқиқот иши масаласининг қўйилиши шакллантирилган.

1.1-параграфда шахс юз тасвирини идентификациялашнинг биометрик тизимлари усулларида қиёсий таҳлили амалга оширилган. Бу борада таҳлиллар натижасида шахсни идентификациялаш масалаларини ҳал қилишда янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар баён этилган.

1.2-параграфда шахсни идентификациялаш масалаларини такомиллаштириш ишларини замонавий усуллар асосида юз тасвири бўйича шахсни идентификациялашнинг замонавий дастурий-аппарат воситалари тадқиқ этилди.

1.3-параграфда шахс юз тасвирини идентификациялаш тизимларига қўйиладиган талабларнинг таҳлили асосида кузатув камераларнинг тасвирга олишининг муҳим параметрлари ишлаб чиқилган.

Бу борада 1-жадвалда шахсни таниб олиш ва идентификациялаш талаб қилинса, катта қийматдаги фокус масофага эга камералардан фойдаланиш тизимлари ишлаб чиқилган.

### 1-жадвал

#### Шахсни идентификациялашда камераларнинг тахминий масофалари

Фокус масофаси, (мм)	Идентификация масофаси, ораликда(м)
2.8	[1.86, 4.66]
3.3	[2.20, 5.50]
3.6	[2.40, 6.00]
4.2	[2.80, 7.00]
6	[4.00, 10.00]
8	[5.33, 13.33]
9	[6.00, 15.00]
12	[8.00, 20.00]
22	[14.66, 36.66]
50	[33.33, 83.66]

1-жадвалда шахсни таниб олиш ва идентификациялаш тизимининг пикселлар сонига талаблар ишлаб чиқилди ва қуйидагилар:

- объектни аниқлаш учун чизикли пикселлар сони - 20 пиксел/м;
- таниб олиш учун чизикли пикселлар сони - 100 пиксел/м;
- идентификация қилиш учун чизикли пикселлар сони - 250 пиксел/м;
- матрицасидаги пикселлар сони 1080 (2Мп Full HD), 700, 560, 480, ва 380 бўлган видеокамералар учун;

-таниб олиш учун суратга туширилганда юз тасвири натуралкатталигининг 1/7 қисмини ташкил қилиши тавсия этилади. Лекин бундай даражадаги кичиклаштиришга фақат 6x9, 19x12 ва ундан кўпроқ ҳажмдаги кадрли камералар ёрдамида амалга оширилган.

1.4-параграфда олдинги параграфларда олинган таҳлил натижалардан диссертация иши доирасида ҳал қилиниши кўзда тутилган мақсад ва вазибалар шакллантирилган.

Диссертациянинг «Шахс юз тасвирига дастлабки ишлов бериш усуллари ва алгоритмлари» деб номланган иккинчи боби тўртта параграфдан иборат бўлиб, юз тасвирларини таҳлил қилиш асосида шахсни идентификация қилиш учун тасвирга дастлабки ишлов бериш, тасвирдан юз соҳасини ажратиб олиш асосида фойдаланиладиган алгоритмлар таклиф қилинган.

2.1-параграфда юз тасвирига дастлабки ишлов беришда тасвирдаги объект ўлчамлари, ракурс, филтрлаш, ранг ва ёритилганлигига бўлган махсус талаблар шакллантирилди. Бунда асосий талаблар сифатида шахсни идентификациялаш тизимига мос келувчи тасвирга дастлабки ишлов бериш усул ва алгоритмлари баён қилинган.

2.2-параграфда тасвирга дастлабки ишлов бериш таҳлили асосида тасвирни қайта ишлаш, сифатини яхшилаш, юз тасвирини нормаллаштириш, халақитларни йўқотишларнинг мавжуд усул ва алгоритмлар тавсифи ёритилган. Тасвирда ёруғлик нотекис тақсимланган ҳолатда тасвир ёрқинлигини нормаллаштириш бўйича таҳлиллар келтирилган. 1-расмда тасвирда нотекис тақсимланган ёруғликларни нормаллаштириш алгоритми таклиф этилди ва у қуйидаги қадамлардан иборат.

$$g_{x,y}^{new} = \begin{cases} g_{x,y} + k \cdot d \cdot \frac{g_{x,y}}{m_H}, & \text{агар } g_{x,y} < m_H; \\ g_{x,y} + k \cdot d \cdot \frac{255 - g_{x,y}}{255 - m_H}, & \text{акс холда.} \end{cases}$$

бу ерда  $g_{x,y}^{new}$  - берилган тасвирнинг ҳар бир координатаси,  $K$ -тасвир параметри  $[-1;1]$ ,  $m_H$  тасвирнинг оғирлик маркази,  $H$ -тасвир гистограммаси.

1-қадам. Берилган тасвирни киритиш.

2-қадам. Тасвир гистограммаси  $H$  ни қурамыз ва ундаги оғирлик маркази  $m_H$  ни аниқлаймиз.

3-қадам.  $d$  параметрларни аниқлаймиз, яъни:  $d = |m_H - 127|$ .

4-қадам.  $K$  параметрни аниқлаймиз.  $k = 1$ . Агар  $m_H > 127$  бўлса,  $u$  ҳолда  $k = -1$ .

5-қадам.  $g_{x,y}$  -тасвирнинг ҳар бир координатаси бўйича пиксел ранг қийматлари  $255 - g_{x,y}$  янгидан ҳисоблаймиз:

6-қадам. Тасвир ёруғликларини нормаллаштиришга ўтилади.

7-қадам. Тамом.

Алгоритм натижаси 1-расмда келтирилган.



а)

б)

1- расм. Юз тасвири ёруғлигини нормаллаштириш

бу ерда а) 3x4 ўлчамдаги юз тасвири (қора фон кўпроқ) б) 3x4 ўлчамдаги юз тасвири ёруғликни нормаллаштириш натижаси. Таклиф этилган алгоритмда биометрик объектлар тасвирларининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган.

2.3-параграфда Шахс юз тасвирига эвристик усулларда тасвирларига дастлабки ишлов беришнинг сифатини такомиллаштириш, иккинчи томондан компьютерга кирувчи юз тасвирини сақлаш, қайта ишлаш ва бошқариш, компьютер алгоритмларининг кўриниши, математик ҳисоб жараёнини ташкил этишнинг хусусиятларига қараб, шахсни идентификациялаш учун эксперт томонидан қарор қабул қилиш алгоритми ишлаб чиқилган.

2.4-параграфда тасвирда жойлашган юз соҳасини аниқлаш ва ажратиб олиш масаласи кўриб чиқилган. Шунингдек, олиб борилган тадқиқотлар натижасида тасвирдан юз соҳасини ажратиб олиш учун алгоритм таклиф этилди ва у қуйидаги қадамларда амалга оширилди.

1- қадам. Берилган RGB кўринишидаги рангли юз тасвир киритилади.

2- қадам. RGB юз тасвир YCrCb моделига ўзгартирилади ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланади.

$$Y = 0.299 * R + 0.587 * G + 0.114B$$

$$Cr = 0.5 * R - 0.4187 * G - 0.0813 * B + 128$$

$$Cb = -0.1687 * R - 0.3313 * G + 0.5 * B + 128$$

бу ерда  $Y$  -тасвирнинг ёрқинлиги,  $Cr$  - тасвирнинг каналлари,  $R$  -берилган тасвирнинг  $Y$  -ёрқинлиги,  $Cb$  -тасвирнинг  $R$  -каналлари,  $B$  -берилган тасвирнинг  $Y$  -ёрқинлиги.

3 -қадам.  $S_1 = \begin{cases} 1, \text{ агар } [Cr(x, y) \in [133;173] \cap Cb(x, y) \in [77;127]] \\ 0, \text{ акс холда} \end{cases}$

бу ерда  $S_1$  – тасвирда шахс юз тасвири жойлашган соҳани ажратиш.


4-қадам.  $D(x, y) = \sum_{i=0}^3 \sum_{j=0}^3 S_1(4x+i, 4y+j)$

5-қадам.  $S_2 = \begin{cases} 1, \text{ агар } D(x, y) = 16 \\ 0, \text{ акс холда} \end{cases}$

бу ерда  $D[x, y]=16$  юз соҳаси ҳисобланади,  $D[x, y]=0$  юз соҳаси ҳисобланмайди.

6-қадам. Тамом.

2-расмда таклиф қилинган алгоритмдан тасвирдан юз соҳасини аниқлаш ва ажратиб олишни амалга ошириш натижаси келтирилган.



2-расм. Тасвирдан юз соҳасини аниқлаш ва ажратиб олиш

Унинг мавжуд алгоритмлардан авзаллиги шундан иборатки, унда шахсни излаш бутун объект бўйича эмас, балки унинг ажратиб олинган юз соҳаси бўйича амалга оширилади ва бу эса иккита тасвирни солиштиришга кетадиган вақт сарфини қисқартиш имконини беради.

Диссертациянинг «**Шахс юз тасвиридаги белгилар фазосини шакллантиришнинг математик модели ва алгоритми**» деб номланган учинчи боби тўртта параграфдан иборат бўлиб, юз тасвиридаги информатив белгилар фазосини шакллантириш ва ажратиб олишнинг математик усуллари ва алгоритмлари тақдим этилган. Статистик усуллардан фойдаланилган ҳолда, пиксел ва белгиларни солиштириш алгоритми тақлиф этилган.

3.1-параграфда юз тасвирини характерловчи белгиларни ажратишнинг самарали усуллардан фойдаланиб, юз тасвири белгиларининг асосий гуруҳлари ҳамда уларни шакллантириш ва ишлаб чиқишнинг математик асослари, жумладан, шахсни таниб олиш ва идентификациялаш масаласи учун муҳим бўлган белгиларни ажратиб олиш хусусиятларини аниқлаш натижаси келтирилган. Бу борада информатив белгиларни шакллантиришда, бошланғич белгилар фазоси  $X = (x_1, x_2, \dots, x_N)$  ўқув танланмаси берилган бўлсин ҳамда белгиларни аниқлашда зарур бўладиган вектор катталиқ киритилади.

$$c = (c_1, c_2, \dots, c_N),$$

бу ерда  $c_i (i=1, N)$  компонента  $i$ -чи белгини аниқлаш учун керак бўладиган қиймат. Агар  $i$ -чи белгини аниқлаш керак бўлса, у ҳолда унинг учун  $c_i$  миқдор сарфланади ва бу белги эҳтимоллиги бирга тенг бўлган аниқликда топилади. 4-расмда юз тасвиридаги информатив белгиларни танлаб олиш учун  $\lambda = (\lambda_1, \lambda_2, \dots, \lambda_N)$  вектордан фойдаланамиз. Бу ерда  $\lambda_i (i = \overline{1, N})$  бир ёки ноль қийматни қабул қилиб, информатив белгилар мажмуасида шу белгини мос равишда қатнашиш ёки қатнашмаслигини билдиради.



**а) юз белгилари      б) юздаги белгиларни ажратиш**

**3-расм. Юз тасвиридаги информатив белгиларни ажратиш**

3–(а),(б)расмда шахс юзидаги нуқталарни информатив белгилар деб олсак, юзда 2278 та информатив белгилар мавжуд ва улар шакллантирилиб олинди. Шундан  $P =$  юз тасвирнинг кўз, бурун, оғиз орасидаги информатив белгилари  $P = 68$ тадан иборат ҳисобланади. Бунда кўзлар орасидаги бурчаклар инобатга олинмаган, шу сабабли юздаги кўз, бурун, оғиз оралиғидаги белгилар масофалари ўлчамидаги 24 та информатив белгилар ажратилиб, улар қуйидаги формула орқали ҳисобланади.

$$p^2 = (x_1 + x_2)^2 + (y_1 + y_2)^2$$

бу ерда  $x, y$  – нуқталар,  $x_1, y_1$  – белгилар қийматларини йиғиндиси ҳисобланади ва қуйидаги формула келиб чиқади.

$$|R| = |\bar{p}(x_i, y_i) - p(x_i, y_i)|$$

бу ерда  $R$  – яқин қўшнилар белгилари,  $\bar{p}(x_i, y_i)$  – белгилар эмас,  $p(x_i, y_i)$  – шаклланган белгилардир. Шунингдек кўз, бурун, оғиз орасидаги яқин белгиларни яқинлаштириш масофалари ҳисоблаб чиқилди ва қуйидаги формула орқали ҳисобланади

$$\begin{aligned} p_1 &= (37,32), p_2 = (37,33), p_3 = (37,34), p_4 = (37,31), p_5 = (37,30), p_6 = (37,39), p_7 = (40,32), \\ p_8 &= (40,33), p_9 = (40,34), p_{10} = (40,31), p_{11} = (43,25), p_{12} = (43,26), p_{13} = (43,31), \\ p_{14} &= (43,30), p_{15} = (43,29), p_{16} = (46,34), p_{17} = (46,35), p_{18} = (46,36), p_{19} = (46,31), p_{20} = (46,30), \\ p_{21} &= (46,29), p_{22} = (40,31), p_{23} = (40,30), p_{24} = (40,29). \end{aligned}$$

Улар орасидаги масофаларни 10 % хатоликда тақрибий ҳисоблаб, қийматларнинг ўртача қиймати нисбатига аниқлаб олинди. Шунингдек келтирилганлар (чап кўз, ўнг кўз, бурун ва оғиз) орасидаги масофаларни аниқлаб, шундан 24 та белгиларнинг самарадорлигини баҳолашда яқин қўшнилар усулидан фойдаланиб алгоритм ишлаб чиқилди.

*1-қадам.* Берилган қийматлар:  $x_{pi} \in X_p$  объектлар ( $i = \overline{1, m_p}; p = \overline{1, r}$ ) ва  $x^*$  номаълум объект юзидаги белгилар.

*2-қадам.* Ҳар бир  $x_{pi}$  ( $i = \overline{1, m_p}; p = \overline{1, r}$ ) учун  $\|x_{pi} - x^*\|$  белгилар орасидаги масофалар тақрибий қийматларда ҳисобланади.

*3-қадам.* Агар  $\min_{p,i} \|x_{pi} - x^*\| = \|x_{qk} - x^*\|$  бўлса,  $x^* \in X_q$  ва 5 қадамга ўтилади.

*4-қадам.* Агар  $\min_{p,i} \|x_{pi} - x^*\| = \|x_{qk} - x^*\| = \|x_{th} - x^*\|$  бўлса,  $x^*$  белгилар орасидаги масофалар аниқланмади.

*5-қадам.* Чиқиш параметри  $x^* \in X_q$  ёки  $x^*$  белгилар орасидаги масофалар аниқланди.

*6-қадам.* Тамом.

Алгоритм натижасида 24 та белгиларнинг сонли қиймати қуйидаги 4-расмда келтирилган.

id	a1	a2	a3	a4	a5	a6	b1	b2	b3	b4	b5	b6	c1	c2	c3	c4	c5	c6	d1	d2	d3	d4	d5	d6	img
1	60	62	63	70	54	60	75	76	74	75	75	80	30	32	33	32	35	36	90	98	99	96	95	92	/images/1.jpg
2	61	63	63	75	64	62	73	77	80	71	79	90	45	42	35	31	35	34	92	91	92	91	99	91	/images/2.jpg
3	59	68	62	75	51	69	71	72	73	74	72	81	32	39	32	35	36	40	80	91	95	90	89	90	/images/3.jpg
4	40	22	53	30	44	50	55	96	65	87	45	12	56	48	32	32	35	48	56	98	99	80	48	56	/images/4.jpg

**4-расм. Юз тасвирининг 24 та белгиларининг сонли қиймати**

Тадқиқот натижасида 4-расмда маълумотлар базасида мавжуд шахснинг юз тасвирлари билан 24 та информатив белгилар ўлчамлари қийматлари асосида солиштиради ва идентификациялаш самарадорлиги бошқа алгоритмларига нисбатан шахсни идентификациялаш тезлиги, аниқлиги, таниб олиш тизимлари билан самарадорликка эришилади.

3.2-параграфда статистик усуллардан фойдаланиб, юз тасвири асосида шахсни идентификациялашда пиксел ва белгиларини қийматларини яқинлаштиришда такомиллаштирилган корреляция коэффициенти усулидан фойдаланиб, алгоритм ишлаб чиқилди ва қуйидаги қадамлардан иборат.

1-қадам. Умумий корреляцион нисбатининг қиймати  $[-1,+1]$  оралиғида бўлади.

2-қадам. Корреляцион нисбатининг қиймати 1 га қанча яқин бўлса, боғланиш икки тасвир ўртасида шунча зич (жуда ўхшаш) бўлади. Агарда корреляцион нисбатининг қиймати 0-га қанча яқин бўлса, икки тасвир ўртасида боғланиш тарқоқ бўлади.

3-қадам. Одатда икки тасвир ўртасида пиксел ва белгилар  $Rx_{i,j} < 0.3$  бўлса, тарқоқ боғланишга эга,  $0.3 < Rx_{i,j} < 0.9$  орасида ётса, ўртача боғланишга эга,  $Rx_{i,j} > 0.9$  бўлса зич боғланишга эга ҳисобланади.

4-қадам. Ҳамма топилган белгилар классификаторга берилади.

5-қадам. Бизга иккита  $X, S$ -тасвир берилган керакли белгилар билан белгилаб олишда матрица яратамиз  $X_{ij}, S_{kl}, k = 1, n; j, l = 1, m$ . яратилган бу матрицани ковариацион матрица деб атаймиз.

6-қадам. Ковариацион матрица устида статистик таҳлил ўтказамиз, асосий жойларга белги қўйиб пикселлар ойнаси куриб олинади.

7-қадам. Корреляция коэффициент натижаси асосида тасвир модели ёрдамида  $R_{ij} = X_{ij}$  корреляцион матрица тузиб оламиз ва таҳлил ўтказамиз.


8-қадам. Корреляция коэффициент қиймати қуйидаги шарт бажарилса  $Rx_{i,j} > T(\alpha, n)\alpha = 95\%$  бизга берилган иккинчи тасвир биринчи тасвир модели ҳисобланади, улар  $Rx_{i,j}$  ўртасидаги ўхшашлик 80-90% фоиздан юқориси ҳисобланади.

9-қадам. Корреляция коэффициенти ўзининг юқори қиймати  $Rx_{i,j} = 1$  га ва  $S_{ost}^{-2} = 0$  тенг бўлганда математик моделimiz адекват натижасига эришади.

10-қадам.  $Rx_{i,j} \leq T(\alpha, m)$  иккинчи шарт ҳосил бўлса, бу иккинчи тасвир биринчи тасвир модели эмас деган хулосага келинади ва кейинги 3-чи тасвир билан 1-чи босқичдан қайта такрорланади ва ўзига ўхшаш моделни топгунча жараён такрорланади (5-расм).

11-қадам. Тамом.





**5-расм. Юз тасвирини идентификациялаш  
коэффициенти**

Таклиф этилган алгоритм асосида пикселлар ва белгилар асосида ўтказилган тажриба синови шахсни идентификациялаш аниқлиги 85-90% имконини берган.

3.3-параграфда шахс юзи тасвирини матрицали кодлаш асосида идентификациялашнинг математик масаласи ечилган. Тадқиқот натижасида 8x8 пиксел ўлчовли юз тасвирни аниқловчи 8-тартибли матрица берилган ҳамда матрицанинг устун ва сатр кўринишидаги пикселларни қўшиш натижалари асосида иккинчи юз тасвирнинг устун ва сатр пикселлари қийматлари йиғиндисини ҳисоблаб чиқиш жараёни тўртта босқичда ишлаб чиқилган.

3.4-параграфда шахс юз тасвирининг идентификацион белгиларни аниқловчи замонавий усуллар самарадорлиги натижасида тасвирнинг хусусиятлари ва элементларини ҳисоблаш масаласи ечилган (6-расм).




**6-расм. Шахс юз тасвирини белгилар асосида  
идентификациялаш**

6-расмда шахс юзидаги ҳар бир таққосланаётган белги (кўз, қош, бурун, айрим белгилари) идентификация объекти сифатида олиниши сабабли, шахсни таниб олиш ва идентификациялаш имконини беради.

Диссертациянинг «**Шахс юзи тасвирини идентификациялашнинг ахборот ресурслари ва дастурий таъминотинияратиш усуллари** деб номланган тўртинчи боби юз тасвири асосида шахсни идентификациялаш тизимидаги вазифаларни бошқарувчи дастурий таъминотларни яратиш ва тадқиқот натижаларини баён этиш ҳамда амалий масалаларни ечишга бағишланган.



4.1-параграфда кузатув камера орқали тасвирга олинган шахс юз тасвирига дастлабки ишлов бериш, тасвирдан юз соҳасини ажратиш олиш, юздаги идентификацион белгиларни аниқлаш ва маълумотлар базасига ёзишга мўлжалланган «Face Identification» дастури тавсифи келтирилган.



**7-расм. «Face Identification» дастурининг функционал тузилмаси**

Ушбу дастурни икки томонлама қараш мумкин, биринчидан, аппарат-дастурий мажмуа сифатида, иккинчидан эса дастурий восита сифатида. Аппарат-дастурий мажмуа деб аталишига сабаб, кузатув тизими камераларига бевосита уланиб, реал вақтда шахс юзини аниқлаш, дастлабки ишлов бериш, тасвирдан юз соҳасини ажратиш олиш, идентификацион белгиларни аниқлаш ҳамда юз тасвирларидан иборат маълумотлар базасини қуриш ва бошқариш тизимлари имконияти яратилган. Шунингдек дастурда камера менюсини ишга тушириш орқали тасвирда юз объекти белгиланади ҳамда ажратиш олинган юз тасвири ҳақида

маълумотлар базасини кўриш имкониятини берувчи алоҳида модулни ишга тушириш имконияти берилган.

Бундан ташқари 4.1-параграфда тасвир майдонида юз объектларини аниқлаш ва кузатиб бориш алгоритмини синовдан ўтказиш мақсадида танланган юз тасвирини қидириш ва ҳаракатини кузатиш орқали юз тасвирини устун ва сатр кўринишида пикселлар интенсивлигини солиштириш натижасида шахсни таниб олишнинг «Face Recognition» дастурининг тавсифлари келтирилган.

4.2-параграфда шахс юз тасвирини идентификациялашнинг маълумотлар базасини ишлаб чиқиш таҳлили асосида шахсни таниб олиш натижалари 2-жадвалда келтирилган. Қиёсий таҳлилга кўра кенг тарқалган алгоритмлар тезкорлиги бўйича стандарт ҳолатда (CPU-реализация) таққосланди ҳамда ORL Database, AAF, YFDB тасвирлар базаларидан фойдаланилди. Тажриба тадқиқоти Core i5 3,4 GHz процессорли, 8 Gb оператив хотирали, 1050Ti 4Gb видеокартага эга бўлган персонал компьютерда амалга оширилди .

**2-жадвал**

**ORL Database, AAF ва YFDB базалари асосида юз тасвирини аниқлаш натижалари**


Идентификацион белгилар		Шахслар сони	Тасвирлар сони	Шахсни классик таниб олиш		
				Вак.сек		
				Ўқитиш	Таниб олиш	Таниб олиш аниқлиги %
1	ORL Database	200	350	1,783451	0,150609	85-90
2	AAF	230	300	1,058891	0,825061	70-75
3	YFDB	160	220	2,634553	0,064683	80-85

2-жадвал келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, ORL Database, AAF ва YFDB базаларида мавжуд бўлган юз тасвирларни идентификацион белгилар параметрларини солиштириш натижасида шахсни таниб олиш ва идентификациялашда вақт сарфини камайтириш имконини беради.

4.3-параграфда тажрибавий тадқиқотлар «Face identification» ва «Face Recognition» дастурлар таъминоти ёрдамида олинган амалий масалаларни ҳал қилиш натижалари келтирилган.

Тажрибавий тадқиқотлар 100 та шахснинг 10000 та юз тасвирлардан ташкил топган ва юқорида келтирилган иерархик тузилишга эга бўлган маълумотлар базаси асосида шакллантирилган ўқув танланмасидан фойдаланиб амалга оширилди.

8-расмда шахс юз тасвирини таҳлил қилиш асосида шахсни идентификация қилиш процедурасини амалга ошириш натижасини акс эттирувчи мисол келтирилган.



**8-расм. Юз тасвирини таҳлил қилиш асосида шахсни идентификация қилиш натижаси**

Шунингдек тажрибавий тадқиқотлар олиб бориш натижасида шахсни таниб олишни A1 алгоритмидан фойдаланиб амалга оширганда таниб олиш аниқлиги 70% ни, A2 алгоритмидан фойдаланганда эса 75% ни, A3 алгоритмидан фойдаланганда 80% ни ташкил қилди. Бу борада ушбу натижаларни яхшилаш мақсадида A4 алгоритмидан фойдаланилди ва энг яхши натижа 85-90% га эришилди. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан шунни айтиш мумкинки, юз тасвирларини таҳлил қилиш асосида тасвирдан юз соҳасини ажратиб олиш ва тадқиқ қилинаётган юз тасвирлари идентификацион белгиларни ажратиб олинганда белгилар сони 24 та бўлганда A3, A4 алгоритмидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги кўрсатилди.

4.4-параграфда мавжуд ва ишда таклиф қилинган алгоритмлар асосида ишлаб чиқилган дастурий таъминотларнинг амалиётга татбиқлари натижалари келтирилган. Бу дастурларнинг қўлланилиши ташкилотларга ва ёпиқ хуудларга шахсларни кириш ва чиқишини назоратлаш мақсадида шахсни таниб олиш ва идентификациялаш вақтини камайтириш ҳамда шахсни таниб олиш тезлиги аниқлигини ошириш имконини берган.

Иловада диссертация иши натижаларининг амалиётга қўлланилганлигини тасдиқловчи хужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан ЭҲМ учун яратилган дастурларни расмий рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномалари нусхалари келтирилган.

## ХУЛОСА

«Шахс юз тасирига кўра идентификациялашнинг математик ва дастурий таъминоти» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди.

1. Тасвирдан юз соҳасини ажратиб олиш алгоритми ишлаб чиқилди, унинг мавжуд алгоритмлардан авзаллиги шундан иборатки, унда шахсни

излаш бутун объект бўйича эмас, балки унинг белгилаб олинган юз соҳаси бўйича амалга оширилади ҳамда иккита тасвирни солиштиришга кетадиган вақт сарфини қисқартиш имконини берди.

2. Тажрибалар орқали юз тасвирини математик моделлаштириш жараёнида юз тасвирини улар орасидаги ўлчамларини статистик жиҳатдан яқинлаштириш, идентификациялаш жараёнининг информатив белгилар қийматларини ўхшашлик жараёнининг корреляция коэффициенти усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги кўрсатиб берилди.

3. Шахс юз тасвири параметрларини идентификациялаш жараёни моделини ишлаб чиқишда асосан рангли юз тасвирини бошқа рангли юз тасвирлар билан солиштириш кетма-кетлиги усуллари ишлаб чиқилди.

4. Шахс юз тасвирига кўра параметрларини идентификациялашнинг статистик усуллари такомиллаштириш жараёнида тадқиқот амалий натижаларининг дастурий таъминоти ишлаб чиқилди. Бу борада шахсни таниб олиш ва идентификациялаш тизимлари тўртта босқичда амалга оширилди ҳамда статистик усулларнинг самарадорлиги баҳоланди. Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган алгоритм натижасида пиксел ва белгилар асосида ўтказилган тажриба синови шахсни идентификациялаш аниқлиги 85-90% ташкил этди.

5. Шахс юз тасвирини информатив белгиларини ажратиб олиш алгоритмларнинг турли вариантлари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган алгоритмлар юз тасвирига кўра шахсни идентификациялаш аниқлигини ошириш имконини берди.

6. Шахс юз тасвирини маълумотлар базасидан қидириш алгоритми ишлаб чиқилди. Бунда тасвирларга дастлабки ишлов, тасвирдан юз соҳасини ажратиб олиш, информатив белгилар асосида таққослаш натижалари самарадорлиги баҳоланди.

7. Юз тасвирларига дастлабки ишлов бериш ва идентификациялашнинг таклиф этилган усуллари ва мавжуд алгоритмлари асосида модели ва амалий масалаларни ҳал қилиш мисолларида синовдан ўтказилган «Face Recognition» ва «Face identification» дастурий таъминоти ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ  
ТЕХНОЛОГИЙ**

**НУРЖАНОВ ФУРКАТБЕК РЕЙИМБЕРГАНОВИЧ**

**МАТЕМАТИЧЕСКОЕ И ПРОГРАММНОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ  
ИДЕНТИФИКАЦИИ ЛИЧНОСТИ ПО ИЗОБРАЖЕНИЮ ЛИЦА**

05.01.04 – Математическое и программное обеспечение вычислительных машин,  
комплексов и компьютерных сетей

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент -2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.3.PhD/T445.**

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Зайнидинов Хакимжон Насиридинович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Муминов Баходир Болтаевич**  
доктор технических наук, доцент

**Рахимов Бахтиёр Саидович**  
кандидат технических наук

**Ведущая организация:** **«UNICON.UZ»-центр научно-технических и маркетинговых исследований**

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.13/30.12.2019.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № \_\_\_\_\_). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(протокол рассылки № \_\_\_\_\_ от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 года.)

**Р.Х. Хамдамов**  
Председатель научного совета по присуждению  
учёных степеней, д.т.н., профессор

**Ф.М. Нуралиев**  
Учёный секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

**Б.Б. Муминов**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
д.т.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире особое внимание уделяется изучению сложных объектов в процессе развития биометрических технологий, а также совершенствованию и разработке систем идентификации и распознавания личности по изображению лица на основе обработки изображения с помощью современных компьютерных технологий. В этой связи, существенно повышаются требования к системам распознавания и идентификации личности на основе биометрических технологий, в частности, широко используется при контроле в аэропортах и метрополитене, доступе в здание или программу, видеонаблюдении, криминалистике и в ряде других сфер. В настоящее время в этом направлении большое значение имеет решение теоретических и практических вопросов разработки систем идентификации личности с использованием моделей обработки изображений, выделение признаков и машинного чтения на изображениях во многих зарубежных странах, в частности, в США, Германии, Российской Федерации, Китае, Японии, Англии, Южной Корее и других государствах.

В мире проводится множество научных исследований, связанных с разработкой и совершенствованием методов и алгоритмов выделения признаков объекта на изображении и идентификации данного объекта, созданием математического и программного обеспечения идентификации личности на основе статических изображений. В этой связи, с учетом наличия специфических сложных элементов на изображении лица личности, важными задачами являются создание программного обеспечения для определения области объекта на изображении, выделения идентификационных признаков на изображении, сопоставления по интенсивности пикселей, поддержки показателей повышения эффективности идентификации личности в компьютерной среде.

В Республике в этом направлении особое внимание уделяется разработке мер по созданию и широкому внедрению автоматизированных систем идентификации личности на основе биометрических технологий личности (лица, ушной раковины, отпечатков пальцев, зрачка глаза, ладони, походке, звуков голоса). В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годы определены такие задачи как «...совершенствование системы обеспечения информационной безопасности и защиты информации, своевременное и адекватное противодействие угрозам в информационной сфере»<sup>1</sup>. При реализации этих задач важными вопросами развития информационно-коммуникационных технологий являются разработка программного обеспечения на основе математических алгоритмов идентификации личности в процессе контроля систем доступа людей в организации и закрытые территории, разработка и

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

совершенствование оперативных автоматизированных систем повышения точности, сокращения времени, затрачиваемого на распознавание личности.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит выполнению задач, обозначенных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 19 февраля 2018 года №УП-5349 «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций» и Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 мая 2018 года №343 «Об организации поэтапных мер и единого технологического подхода по реализации проекта «Безопасный город»», а также других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий IV – «Информатизация и развитие инфокоммуникационных технологий».

**Степень изученности проблемы.** В последние годы вопросы совершенствования разработки методов и алгоритмов обработки изображений, выделения признаков на изображениях и идентификации личности, а также практического применения их рассматривались в научных работах таких ученых как Р.Гонсалес, Ю.И.Журавлёв, Э.Патрик, У.Прэтт, В.А. Софер, Ш.Ульман, Я.А. Фурман, В.А.Фурсов, Э.В.Попова, В.Н.Вапник, Г.С.Поспелов, В.Бургер, М.И.Салех, Б.Хорн, П.Харт, М.И.Шлезингер, В.М. Глушков и др.

В Узбекистане большой вклад в развитие теоретико-практических основ распознавания и обработки изображений нашли отражение в научных работах М.М.Камилова, Ш.Х.Фозилова, Х.Н.Зайнидинов, Р.Т. Абдукаримова, Н.С.Маматов, С.С.Раджабов, З.Т.Адиловой, Ф.Т.Адиловой, А.Х.Нишанова, С.С.Содыкова, Ш.Е.Туляганова, Н.А.Игнатьева, Р.А.Лутфуллаева, Н.М.Мирзаева и др.

Анализ проводимых на сегодняшний день исследований в сфере биометрических технологий, которая является одним из научных направлений идентификации личности, показал, что до настоящего момента недостаточно изучены проблемы, возникающие при создании автоматизированных систем идентификации личности. Кроме того, основными проблемами являются разработка и совершенствование автоматизированных систем идентификации личности на основе изображения лица, создание программного обеспечения и разработка алгоритмов и методов повышения оперативности и точности в режиме реального времени.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Ташкентского университета



информационных технологий по теме научно-прикладного проекта: № БВ-Атех-2018-249 – «Разработка методов и алгоритмов цифровой обработки биометрических сигналов» (2018-2019).

**Целью исследования** является разработка и внедрение в практику математических моделей, алгоритмов и программного обеспечения идентификации личности на основе изображения лица.

**Задачи исследования:**

разработка алгоритмов первичной обработки изображений лица личности;

разработка специальной библиотеки и алгоритма нахождения области изображения лица личности на изображении;

разработка алгоритма формирования пространства признаков изображения лица личности и определения комплекса информативных признаков;

создание алгоритмов распознавания личности на основе информативных признаков, характеризующих изображение лица личности.

**Объектом исследования** являются процессы идентификации и распознавания личности на основе изображения лица личности, обработки изображений.

**Предмета исследования** методы и алгоритмы распознавания, обработки и поиска в базе данных изображения лица личности.

**Методы исследования.** В ходе исследования применялись теория вероятностей, методы математической статистики, дискретной математики, обработки изображений, идентификации лиц и языки объектно-ориентированного программирования.

**Научная новизна исследования** заключается в следующем:

разработаны алгоритмы первичной обработки изображения в определении качества изображения лица личности на основе нормализации неравномерно распределенного света на изображении;

разработан алгоритм нахождения области изображении лица на изображении личности с учетом свойств пикселей, а также специальная библиотека;

